

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОИТТИФОҚ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ДАВР

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель 27 октябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрди.



28 октябрь куни олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар куйди.

“Кўксарой” қароргоҳида Шарль Мишельни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Улар биргаликда суратга тушди.

Сўнг олий даражадаги музокаралар бошланди. Учрашувда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиздаги демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислохотларни, энг аввало, инновациялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш соҳаларида амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги биргаликдаги ишларни давом эттириш юзасидан келишувга эришилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан “Марказий Осиё — ЕИ” форматидagi саммитда илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни рўйбга чиқариш бўйича “йўл харитаси”ни тайёрлаш масаласи келишиб олинди.

Учрашув натижалари бўйича Президент Шавкат Мирзиёев ва Европа кенгаши Президенти Шарль

Мишельнинг матбуот учун қўшма баёноти қабул қилинди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган музокаралар чоғида Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Шарль Мишель кейинги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилгани ва кенг қўламли тус олганини тасдиқладилар.

Томонлар Европа Иттифоқининг Ўзбекистон ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни ва ҳудудлараро ҳамкорликни мустақамлашга интилишини олқишладилар.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларга янги суръат бағишлаш ва уларни янада чуқурлаштириш мақсадида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишга келишиб олинди.

Икки томонлама ва ҳудудлараро ҳамкорлик учун яратилган қўшма механизмлар сермаҳсул ишлаётгани ижобий баҳоланди. Уларнинг салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида биргаликда ҳаракат қилишга тайёрлик билдирди.

Томонлар Ўзбекистон ва Евроиттифоқ ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очадиган, сиё-

сат, иқтисодиёт, хавфсизлик ва инсон капитали йўналишларидаги масалаларнинг кенг доираси бўйича ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қиладиган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим дастлабки босқичда имзоланганини олқишладилар.

Президентлар ушбу муҳим ҳужжат имкон қадар тез фурсатда имзоланиши ва ратификация қилинишига умид билдирдилар.

Томонлар халқаро ишларда ва икки томонлама муносабатларда БМТ Устави ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф қилинган нормаларига қатъий риоя қилишларини, ҳамкорликни тенг ҳуқуқлилик, ўзаро англашув ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойиллари асосида қўлаб-қувватлашлари ва ривожлантиришларини таъкидладилар.

Евроиттифоқ томони Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатини қатъий қўлаб-қувватлашини, улар барқарор бўлиши ва орта қайтмаслигига умид билдирди.

Президентлар инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлиги соҳасидаги конструктив мулоқот ва фаол ҳамкорликни юксак баҳоладилар.

Ўзбекистон ва ЕИнинг бу борадаги ҳамкорлигини мустақамлашга бундан буён ҳам кўмаклашишга томонлар қатъий интиладилар.

Европа кенгаши Президенти Ўзбекистон раҳбариятининг гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар, ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўлаб-қувватлаш масалаларига эътибори ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади ҳамда ЕИ ушбу соҳалардаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмакни давом эттиришга тайёрлигини билдирди. Европа Иттифоқи инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ ҳурмат қилиш муҳимлигини қайд этди.

ЕИ компанияларидан Ўзбекистонга тўғридан-тўғри инвестициялар, энг янги технологиялар, илғор тажриба ва юксак стандартларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар Ўзбекистон билан Евроиттифоқ ўртасида иқтисодиёт, савдо ва инвестициялар соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини олқишладилар. Ўтган йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга “GSP+” тизимининг бенефициар мамлакатига мақоми берилиб, ўзбек маҳсулотларининг кенг номенклатураси ЕИ мамлакатларига божсиз етказиб берилишига имконият яратилгани бу борада муҳим қадам бўлди.

Томонлар ЕИнинг Марказий Осиё бўйича стратегияси бажарилишини жадаллаштириш мақсадида биргаликда чора кўриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар ҳамда 2022 йил 18 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида “ЕИ — Марказий Осиё” форматида ўзаро боғлиқлик бўйича “Барқарор тараққиёт учун “Глобал дарвоза” конференциясининг ўтказилишини олқишладилар.

Ўзбекистон томони конференцияда ҳамкорликнинг устувор соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” қабул қилинишини таклиф этишга тайёр.

Барқарор транспорт йўлакларини яратиш, шу жумладан, Транскаспий мультимодал маршрутнинг ривожлантириш ўзаро савдонини кўпайтириш учун тизимли омил сифатида белгиланди.

Президентлар портларнинг қувватларини ошириш, паром ва темир йўл паркларини кенгайтириш, божхона тартиб-таомилларини уйғунлаштириш, юклар билан ишлаш ва чегаралардан ўтиш учун рақамли ечимларни жорий қилиш муҳимлигини қайд этдилар. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш ЕИнинг “Глобал дарвоза” ташаббуси мақсад ва вазифаларига тўлиқ мосдир.

Ўзбекистон томони ўзаро боғлиқликни чуқурлаштиришга хизмат қиладиган “Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлини қуриш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон томони хорижий, шу жумладан, ЕИ компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилиш учун зарур шароитлар яратишга тайёрлигини билдирди.

Томонлар Ўзбекистон учун 2021-2027 йилларга мўлжалланган ЕИнинг молиявий-техник кўмаги даир кўп йиллик индикатив дастури тасдиқлангани ва амалга оширилиши бошланганини олқишладилар.

Улар рақамлаштириш, “яшил” иқтисодиёт, энергетик самарадорлик ва сувдан фойдаланиш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мавжуд

салмоқли салоҳиятдан фойдаланиш, шу жумладан, Европанинг илғор тажрибасини жорий қилиш ва ушбу соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини қайд этдилар.

Ўзбекистоннинг сув-экология масалалари, шу жумладан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармасини ташкил этиш борасидаги ташаббусларни доимо қўлаб-қувватлаб келаётгани учун Евроиттифоққа миннатдорлик билдирилди. Унинг фаолиятини давом эттириш муҳимлиги борасида томонларнинг фикри яқдил.

Таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорликни, шу жумладан, “Erasmus+” ва “Horizon Europe” дастурлари салоҳиятидан фойдаланган ҳолда чуқурлаштириш муҳим экани таъкидланди. Томонлар касбий таълим бўйича “DARYA” биринчи минтақавий лойиҳанинг амалга оширилишини олқишладилар.

Ўзбекистон томони 2023 йилда Ўзбекистонда “ЕИ — Марказий Осиё” биринчи туризм форумини ўтказишни таклиф қилди.

Минтақавий ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Марказий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустақамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, Афғонистоннинг минтақавий ва халқаро хавфсизликка сурунқали таҳдишлар манбаига айланишига йўл қўймаслик зарурлиги айтилди.

Қиш даврида яқинлашиб келаётган гуманитар фалокатнинг олдини олиш, жумладан, афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш хавотир уйғотётган биринчи галдаги масала сифатида қайд этилди.

Томонларнинг ўзаро мажбуриятларини бажариш алгоритминини тезда келишиш мақсадида Ўзбекистон томони ўзининг Афғонистон муваққат ҳуқуқмати билан музокаралар олиб бориш учун халқаро гуруҳ тузиш ташаббусини алоҳида таъкидлади.

Узоқ муддатли барқарорликка эришиш учун Афғонистонда инклюзив сиёсий жараённи ҳамда инсон, шу жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш зарурлиги юзасидан муштарак фикрлар билдирилди.

Яқунда Президентлар Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги очиқ ва конструктив мулоқотни ва шерикликни мустақамлашга, шунингдек, Марказий Осиёни тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт минтақасига айлантириш мақсадида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларига риоя қилиш принциплари асосида минтақавий кооперация ва ўзаро боғлиқликни янада кенгайтиришга кўмаклашишга интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хузурда “Кўксарой” қароргоҳининг Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарраҳт экди.

Ушбу эзгу аёнана Ўзбекистон — ЕИ муносабатларини янада чуқурлаштиришга қаратилган олий даражадаги музокараларнинг натижаларини мустақамлашди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

### САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН

## ТУРКИЙ ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ

Кўп томонлама ҳамкорликнинг янги формати бўлган Туркий давлатлар ташкилоти Ўзбекистон иқтисодий юксалиши учун янги имкониятлар эшигини очмоқда

“Византия славян давлатлари тақдирида қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбек халқи туркий тилли мамлакатлар тақдирида худди шундай роль ўйнаган”.

Чингиз АЙТМАТОВ



“Дунёга очиклик сиёсати” тамойили орқали халқаро майдонда ўзини қайта намоиш этаётган Янги Ўзбекистон учун жадал иқтисодий тараққиёт эшиклари тобора очилиб бормоқда. Бу жараён эса жаҳонгир бобокалонимиз Амир Темур муҳри ила дунёни титратган “Биз ким — малики Турон, Амири Туркистонмиз! Биз ким миллатларнинг энг улуги, энг қадими — Туркининг бош бўғинимиз!”, деган буюк “миллат байроғи”га муносиб авлод бўлишимиз учун улкан имкониятлар яратаяпти.

Ўзбекистон чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат орқали халқаро майдонда салмоқли марраларни забт этмоқда. Хусусан, кейинги беш йил давомида ташқи сиёсий ва иқтисодий йўналишлардаги ёндашувлар Ўзбекистон ташқи алоқаларига тамомил янгича мазмун касб этиб, жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал

иқтисодий инқирозга қарамасдан, миллий манфаатларни жадал суръатларда илгари суришга хизмат қилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустақамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли кейинги йилларда Ўзбекистоннинг дўстлари, хайрихоҳлари кўпайиб

бораяпти. Хусусан, қўшни ҳамда тарихан ва маданий жиҳатдан яқин мамлакатлар билан мутлақо янги — соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилиб, ҳамкорлик ва мулоқотнинг самарали механизмлари жорий этилмоқда. Бу борада Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) ана шундай янги мулоқот майдонларидан биридир. Ушбу ташкилотнинг тузилишини тарих тақозоси, десак адашмаган бўламиз. Зеро, туркий халқлар бир тану бир жон бўлиб яшагани, буюк империялар қургани мозий зарваракларида муҳрланиб қолган.

Давоми 3-бетда

### Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель:

## “БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШДАГИ РОЛИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАЙМИЗ”

“Кўксарой” қароргоҳида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар якунлангач, Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Владимир Норов ҳамроҳлигида Европа Иттифоқи делегациясининг Тошкентдаги янги офисининг очилиш маросимида иштирок этди.

Юқори мартабали меҳмон тadbир доирасида “Дунё” АА мухбирига интервью берди:

— Бугун Ўзбекистон Президенти билан учрашув чоғида Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очадиган, сиёсат,

иқтисодиёт, хавфсизлик ва инсоний ўлчовлар соҳаларидаги кенг қўламли масалалар бўйича ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қиладиган кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим дастлабки босқичда имзоланганини олқишладик.

Давоми 2-бетда

### ТОШКЕНТДА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИННИНГ ЯНГИ ОФИСИ ОЧИЛДИ

28 октябрь куни Тошкентда ЕИ делегациясининг Ўзбекистондаги офиси очилиши маросимида иштирок этган Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель давлатимиз раҳбари билан самарали ва конструктив музокара бўлиб ўтганини таъкидлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатини юксак баҳолади. Унинг таъбирича, Ўзбекистон раҳбарининг ислохотларни давом эттириш йўлидаги қатъий сиёсий

иродаси алоҳида эътиборга лойиқ. Иқтисодиётни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва демократияни чуқурлаштириш соҳаларида катта натижаларга эришилган.

Давоми 2-бетда

### ЯНГИ ТИЗИМ

## САЛОМАТЛИКНИНГ САМАРАЛИ “ҚАЛҚОН”И

Мамлакатимизда 1 ноябрдан фармацевтика бозорини рақамлаштиришнинг иккинчи босқичи бошланади

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 апрелда эълон қилинган “Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Давоми 4-бетда

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель:

# “БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ РОЛИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАЙМИЗ”

Бошланғичи 1-бетда

Биз Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ролини юқори баҳолаймиз. Ўзaro боғлиқлики муҳим деб ҳисоблаймиз ва келгусида Марказий Осиё давлат раҳбарлари билан мунтазам равишда учрашиб, ўзарo боғлиқлик, “яшил” иқтисодиёт ва барқарорлик масалаларини биргаликда муҳокама қилишни режалаштирганмиз. Бундай мазмундаги мунтазам учрашувлар ўзарo англашувни яхшилашга ёрдам беради.

Кеча биз ЕИ ва Марказий Осиё ҳамкорлиги масалаларига бағишланган анжуман ўтказдик. Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар

катта ҳажмдаги табиий ресурсларга эга ва географик жойлашуви нуктаи назаридан Европа ва Осиё ўртасидаги кўприкдир. Халқларимиз манфаатлари йўлида барқарорликка эришиш борасида янада кўпроқ ишлар қилишимиз мумкин, деб биламан.

Яқин кунларда Самарқандда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзарo боғлиқлик масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтади. Ушбу конференцияда биз “яшил” ва рақамли иқтисодиёт соҳасида аниқ тақлифларни тақдим этамиз.

“Дунё” АА

# ТОШКЕНТДА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ ОФИСИ ОЧИЛДИ

Бошланғичи 1-бетда

— Биз инсон ҳуқуқлари масаласини муҳокама қилдик, Ўзбекистон Президенти қонун устуворлигини мустаҳкамлашга доир саясий-ҳаракатларни давом эттиришга тайёр эканини билдирди, — деди Ш.Мишель.

Президентимизнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ролини алоҳида таъкидлаган эга бўлгани, ЕИнинг минтақадаги энг жозибали ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо ва кооперация алоқаларини кенгайтириш борасидаги қўллаб-ташаббус ва ғоялар муаллифидир”, дея қўшимча қилди у.

Европа кенгаши раҳбари Шавкат Мирзиёев саясий-ҳаракат туфайли Ўзбекистон янги қиёфага эга бўлгани, ЕИнинг минтақадаги энг жозибали ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо ва кооперация алоқаларини кенгайтириш борасидаги қўллаб-ташаббус ва ғоялар муаллифидир”, дея қўшимча қилди у.

Ўзбекистонда ноябрь ойида яна бир муҳим анжуман — ўзарo боғлиқлик бўйича “Барқарор тараққиёт учун “Глобал дарвоза” конференцияси бўлиб

ўтади. Бу минтақаларо ҳамкорликнинг жорий ҳолатини муҳокама қилиш, умумий манфаатли барча масалалар бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш учун муҳим платформа вазифасини ўтади.

Европа кенгаши Президенти таъкидлашчи, мулоқот давомида Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш ва Украинадаги низонинг салбий таъсири тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Тадбир якунида Ш.Мишель Тошкентдаги ЕИ делегацияси икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Президентини билан учрашувда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллашини таъкидлади.

Шу кунги Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель Самарқанд шахрининг тарихий-мезморий обидалари билан танишди. Жумладан, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Амир Темури мақбараси ва Регистон майдонини томоша қилди. Яқинда очилган “Буёқ ипак йўли” халқаро туристик марказидаги “Боқий шаҳар” мажмуасида бўлди.

Шу билан Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг мамлакатимизга ташрифи якунланди.

ЎЗА

## МУНОСАБАТ

# ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маман ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонаси маслаҳатчиси:

— Президентимиз 27 октябрь куни Остона шахрида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида иштирок этди. Унда сиёсий мулоқотни ривожлантириш, ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасидаги дипломатик муносабатлар сўнгги йилларда сезиларли даражада фаоллашди. Ҳозирги кунда томонлар барча соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хусусан, ўтган йилнинг апрель ойида мамлакатимизга ЕИнинг “GSP+” бенефициар тизими мақоми берилиши, икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон “GSP+” имтиёзли савдо тизимига қўшилганидан сўнг ЕИ мамлакатлари билан товар айланмаси ўсди. Биргина жорий йил бошидан буён юқори қўшилган қийматли ўзбек маҳсулотларининг экспорти қарийб икки баробар ошди.

Бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 6 минг 200 дан ортиқ маҳсулот турини Европа бозорларига экспорт қилиш имкониятини яратди. Натижанда ўтган йилги мамлакатимизнинг Европа бозорларига экспорт ҳажми 20 фоизга ошиб, 4 миллиард долларни ташкил этди.

Бундан ташқари, жорий йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда муҳим воқеа рўй берди. Июль ойида Брюсселда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи

ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг дастлабки имзолаш жараёни якунланди. Ҳозирда томонлар мазкур ҳужжатни имзолаш устида иш олиб бормоқда.

Янги битим Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида 1996 йилда имзоланган амалдаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўрнига ишлаб чиқилган ҳамда икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши кўзда тутилган.

Авалги битим, асосан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик, маданий алоқаларни илгари суриш, молиявий ва техник ҳамкорлик, инвестициялар, товар ва хизматлар савдоси, шунингдек, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасидаги қоидалардан ташкил топган эди. Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим эса кенроқ масалаларни қамраб олади. Улар орасида савдо ва унга тегишли масалалар, шу жумладан, божхона тизими, техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария қоралари, рақобат ва давлат корхоналари фаолияти, давлат харидлари, низоларни ҳал қилиш ва бошқа соҳалар билан боғлиқ қоидалар ўрин олган.

Шарофиддин МИРЗАҚУЛОВ, Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими:

— Охириги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар фаол ривожланиш босқичига кирди. Жорий йилда биз икки томон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 28 йиллигини нишонлаймиз.

Ўтган давр мобайнида томонлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилди. Жумладан, сиёсат, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишларда қўшма кичик кўмиталар фаолият юритмоқда. Уларнинг фаолияти муносабатларни яхшилашда муҳим роль ўйнайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар доирасида делегациялар алмашинувлари ҳам бўлиб ўтмоқда. Хусусан, ЕИнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала 19-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди ва бир қатор муҳим музокаралар ўтказилди. Албатта, бу музокаралар икки

томонлама алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан жорий йил 17-18 ноябрь кунлари Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидagi вазирлар учрашуви ва “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” ўзарo боғлиқлик масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтади.

Вазирлар учрашуви доирасида Марказий Осиё мамлакатлари ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида иқтисодиёт, савдо, сармоя, экология, сув ресурслари, иқлим, шунингдек, ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

Ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишларидан яна бири, бу — таълим соҳаси.

Бундан ташқари, янги битим Жаҳон савдо ташкилотининг асосий қоидаларини ўз ичига олгани натижада инвестициявий шериклик, товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк савдоси соҳаларидаги муносабатлар доира-си сезиларли даражада кенгайтирилади.

Остона шахрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ҳам Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус эди. Шунингдек, Президентимиз куни кеча Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелни қабул қилди. Учрашувда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиздаги демократик янгилашнилар ва иқтисодий ислохотларни энг аввало, инновациялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш соҳаларида амалга оширишга қўллаб-ташаббуси мақсадида амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириш юзасидан келишувга эришилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматдаги саммитда илгари сурилган тақлиф ва ташаббусларни рўёбга чиқариш бўйича “Йўл харитаси”ни тайёрлаш масаласи келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Остона шахрида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида сўзлаган нутқида ҳам бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, гуманитар соҳада ҳамкорликни таълим ва инновация алмашинувлари, маданий ва саясий алоқалари каби йўналишларда фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди. “Erasmus+” ва “Европа горизонти” дастурлари доирасида таълим бўйича Европа-нинг илгор методикаларини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш, қўшма фунда-ментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш тақлиф қилинди.

Айни пайтда бу йўналишда қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Лойиҳалар доирасида Ўзбекистон ва Европа етакчи олий ўқув ўрнлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатилган. Бундан ташқари, талабалар алмашинуви ва малакали кадрлар тайёрлаш борасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.

# ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТГА САЛМОҚЛИ ҲИССА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 27 октябрь куни Қозғистон пойтахти Остона шахрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё—Европа Иттифоқи” саммитидаги иштироки ва Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг 28 октябрь куни Тошкентга ташрифи халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан фаол муҳокама қилинмоқда.

Таҳлилчилар фикрига кўра, ушбу муҳим воқеалар Европа Иттифоқининг Ўзбекистон ва Марказий Осиё билан алоқалари ҳамда минтақаларо ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишини яққол намоён этмоқда. Экспертлар Европа томони Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлагани олий даражадаги музокараларнинг муҳим якуни бўлди, деб ҳисобламоқда.

Хорхе МЕСТРЕ, БМТ илмий-тадқиқот институти ва Европа университетининг халқаро муносабатларни ривожлантириш дастури директори (Испания):

— Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзарo муносабатларнинг ўсиб бораётган динамикаси икки минтақа стратегик ҳамкорлик учун салмоқли салоҳиятга эга-лигини кўрсатмоқда.

Ишонч билан айта оламкин, Марказий Осиёга нисбатан оlib борилаётган сиёсат Европа Иттифоқининг умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг тўлақонли таркибий қисмига айланди ва минтақа давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор вазифа ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатлари асрлар давомида Европа ва Осиёни боғловчи кўприк бўлиб келган. Бу минтақа икки қитъанинг стратегик муҳим қорраҳасида жойлашган. Бой анъаналар ва кўп асрлик ўзарo алмашинув тарихига эга Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё цивилизациялар ўртасидаги мулоқотга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Стратегик, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, шунингдек, Марказий Осиёдаги минтақалараро долзарб масалалар ЕИ манфаатларига ҳам дахлдордир.

Шарль Мишель Ўзбекистоннинг савдо тўсиқларини бартараф этиш ташаббусини, шунингдек, республиканинг Жаҳон савдо ташкилотига тезроқ аъзо бўлишини қўллаб-қувватлайди. Бу йўналишдаги биринчи қадам алпақачон қўйилган: Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни бошқариш ва инсон ҳуқуқлари каби соҳаларда ўз мажбуриятларини бажаришдаги ютуқларининг эътироби сифатида “GSP+” имтиёзли савдо тизимидан фойдаланиш имкониятини тақдим этди.



Менимча, дунё мисли қўрилган сиёсий ва иқтисодий муаммоларга дуч келаётган бугунги кунда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини бизнес тузилмалари ўртасидаги янги алоқаларни ўрнатиш, сармоявий, савдо ва логистика фаолиятини фаоллаштиришни ташкил қилиши керак. Шу билан бирга, бу ҳамкорлик иқтисодий масалалар доирасидан чиқиб, таълим, соғлиқни сақлаш, иқлим, рақамли ва “яшил” технологиялар соҳаларини қамраб олиши шарт. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро майдонларда мунтазам гапириб келмоқда.

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Тошкентга ташрифи муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг бугунги очик сиёсати Европа Иттифоқи билан алоқаларни фаол ривожлантириш имконини бермоқда.

Бугун Ўзбекистон амалга оширилаётган ислохотлар туфайли изчил ўзгариб бораётганини кўриб турибмиз. У қўшнилар ўртасидаги кўприкларни тиклади, Марказий Осиёдаги етакчилик мавқеини мустаҳкамлади, минтақанинг барча давлатларини сиёсий ва савдо-иқтисодий яқинлаштириш ташаббусини илгари сурмақда.

Ишонаманки, ЕИ етакчиси Шарль Мишелнинг Тошкентга ташрифи Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги фаол ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб беради.

Ирфон ШАХЗОД, Евроосиё асри институти директори (Покистон):

— Марказий Осиёдаги сўнгги воқеалар ушбу минтақанинг халқаро нуфузи юксалиб бораётганидан далolat берди. Остона саммити, шунингдек, Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Ўзбекистонга ташрифи фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёнинг Жанубий Осиё, Осиё-Тинч океани ва Европа мамлакатлари билан яқинлашиши ва интеграциялашувидagi муҳим ролини қайд этиш ўринлидир.

Президент Шавкат Мирзиёев Остонадаги нутқида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича жуда муҳим тақлифларни билдирди.

Ўзбекистон раҳбарининг Европа Иттифоқи бозорларига чиқиш учун транспорт-логистика йўлакларини яратиш, қўшма маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, Марказий Осиё мамлакатлари товарлари Европа истеъмолчилари томонидан тан олинishi ва талабга эга бўлиши учун мақсадли тадбирлар ўтказиш, ҳукумат даражасида

Кристофер Марк ТЕОФАНУС, “Colobus Consulting Ltd” компанияси директори (Буюк Британия):

— Европа кенгаши Президентининг Тошкентга ташрифи Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлар қўллаб-қувватланаётганидан далolat беради, республика ва бутун Марказий Осиё минтақаси фаровонлиги йўлида умумевропа ҳамжамиятига ифодаси бўлди. Буюк Британия бу борада Европа Иттифоқи билан бирдам ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги саясий-ҳаракатларини



“Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” иқтисодий ҳамкорлик кўмитасини ташкил этиш бўйича ташаббусларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Покистон учун Европа Иттифоқи ҳам асосий савдо-иқтисодий жирик бўлиб, Остонадаги саммитда Ўзбекистон томонидан билдирилган тақлифлар мамлакатимиз учун ҳам амалий қизиқмага эга.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзарo боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ташаббусини амалга ошириш шароитида Афғонистон орқали Европа йўналишида транспорт-логистика коридорини барпо этиш Покистон учун ҳам савдо-иқтисодий соҳада катта имкониятлар очади.

Ежи ШУКАЛЬСКИЙ, Табиий ва гуманитар фанлар университети профессори (Польша):

— Пандемияга қарамасдан, 2022 йилда Марказий Осиёнинг етакчи давлатлари — Ўзбекистон ва Қозғистон халқаро дипломатия марказларига айланди. Ушбу мамлакатлар халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасида мазмунли музокаралар ўтказиш учун доимий майдонча ва платформалар тақдим этмоқда.

Остонада бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити натижаларини муваффақиятли ва тарихий, деб аташ мумкин.

Брюссель айнан Ўзбекистон ва Қозғистонни ижтимоий-иқтисодий ва демография салоҳиятидан келиб чиқиб, Марказий Осиёдаги асосий ва ишончли ҳамкорлар деб билади.

Шу билан бирга, Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг Ўзбекистон — Европа музокараларини олий даражада ўтказиш, икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг кенг қўламли масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Тошкентга расмий ташрифи ва эришилган келишувлар Остона саммитининг мантиқий давоми бўлди.

Европа Иттифоқининг юқори мартабали мулозимининг Ўзбекистонга сафари Тошкентнинг Брюссель учун нақадар муҳим ҳамкор эканини тасдиқлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Европа муносабатлари ўз ривожланиш тарихидаги энг юқори поғонага чиққан. Европа Итти-



Осиё билан ўзарo боғлиқлик масалалари улар учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуктаи назардан, Европа томонидан кўрсатилаётган ёрдам



фоқи Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда қатор ун йилликлар давомида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги саясий-ҳаракатларини юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари, жумладан, Польша билан товар айирбошлаш ҳамжи республикага “GSP+” имтиёзли савдо тизимининг бенефициар мақоми берилганидан кейин фаол ўсиб бормоқда. Польша икки йилдан буён Ўзбекистондан импорт қилиш бўйича Европа Иттифоқи давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Янги Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар стратегияси давом этар экан, Европа Иттифоқи Тошкент билан амалий ҳамкорлик ва алоқаларни мустаҳкамлашга қўллаб-қувватлади, деб ҳисоблайман. Шу боис, Брюссель Ўзбекистоннинг жорий йил ноябрь ойида Самарқандда ўзарo боғлиқлик бўйича вазирларнинг қўшма конференциясини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Марказий Осиёнинг глобал ишлаб чиқариш ва логистика занжирига интеграциялашуви ҳамда минтақанинг Осиё ва Европа ўртасидаги транспорт-коммуникация алоқаси маркази сифатида ривожланиши учун ниҳоятда муҳимдир.

“Дунё” АА

САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН

ТУРКИЙ ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ

Кўп томонлама ҳамкорликнинг янги формати бўлган Туркий давлатлар ташкилоти Ўзбекистон иқтисодий юксалиши учун янги имкониятлар эшигини очмоқда



Адхам БЕКМУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Туркий халқларнинг келиб чиқишига назар соладиган бўлсак, унинг тарихи милоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар каби қадимги туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлган. Уларнинг таъсирида туркий тил ва турмуш тарзи кенг ёйила бошлаган, илм-фан, маданият ва санъат юксак ривожланган, кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Туркий халқларнинг илмий мероси, кашфиётлари, нодир китоб ва кўлэмалари жаҳон тамаддуни ривожига катта ҳисса қўшган. Бу борада биз Мо-вароуннах ҳудудини марказ қилиб буюк давлатлар яратиб, уларни ривожлантирган ота-боболаримиз, юртимизда яшаб ижод қилган юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, албатта.

Кейинги йилларда мамлакатимиз катта туркий оиланинг узвий бўлаги, туркий дунё тараққиётининг олтин ҳалқаси сифатида туркий тилли давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданок "Туркистон — умумий уйимиз" деган ташаббусни илгари сурган ва бу турк дунёси ҳамжамияти томонидан кўплаб-қувватланган эди. Ўзбекистон туркий мамлакатлар раҳбарларининг илк саммитларида фаол иштирок этгани ҳам маълум.

1996 йил 21 октябрь кунини Тошкент шаҳрида туркий тилли давлатлар раҳбарларининг тарихий — тўртинчи учрашуви илдизи туташ давлатлар ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим даврни бошлаб берди ва маълум маънода замонавий ТДТни тузишга асос бўлди. Тошкент декларацияси имзоланган ўша вақтда туркий давлатлар раҳбарлари ўзаро маслаҳатлашувлар заруриятини таъкидлар экан, туркий давлатлар раҳбарлари учрашувлари Котибиятини ташкил қилишга келишиб олинди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ташкилот турк дунёси мулоқоти ва ҳамкорлигини ривожлантириш учун ташкил этилган муҳим халқаро платформадир. Ушбу ташкилот сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданият ва спортга оид барча масалаларда ҳамкорлик қилишни назарда тутди.

Туркий давлатлар иқтисодий алоқалари Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга

Кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик шароитида аъзо мамлакатлар сиёсий-географик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг роли жуда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Биз таҳлил қилаётган халқаро тузилма Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим салоҳиятга эгалигини қайд этиш билан бира, мамлакатимиз мазкур форматдаги кўп томонлама мулоқотларда нихоятда зарур ва ҳар томонлама муносиб ҳамкор эканини ҳам таъкидлаш лозим.

Маълумотларни таҳлил қилганидан бўлсак, бугунги кунда ТДТга аъзо мамлакатлар аҳолиси 158 миллиондан ортиқ. Мазкур кўрсаткич буйича Ўзбекистон ташкилотдаги Туркия давлатидан кейин иккинчи ўринда тургани ҳолда, аҳоли улушининг 22,7 фоизни қамраб олади. Ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий майдони 4242,4 минг квадрат километрни ташкил этади. Ташкилотда майдони буйича Қозғоғистон Республикаси 65 фоиз улушга эга бўлиб, унинг майдони 2724,9 минг квадрат километрдан ортиқ.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, ташкилотга аъзо давлатларнинг 2021 йилдаги ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг

умумий ҳажми 1138,5 миллиард АҚШ долларига тенг. Туркиянинг ЯИМ ҳажми 815,3 миллиард доллардан иборат бўлиб, мазкур кўрсаткич буйича ташкилотдаги улуши 71,6 фоизни ташкил этган. Ўзбекистон ЯИМ ҳажми 69,2 миллиард доллардан иборат ва бу борада ташкилотга аъзо давлатлар ичида 3-ўринни эгаллаган.

Бизга маълумки, ЯИМ ҳажмининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори мамлакатларнинг иқтисодий барқарорлигини белгилловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми барқарор ўсиш динамикасига эга. Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга кўра, 2030 йилга бориб, ушбу миқдорни 4000 доллардан оширган ҳолда, дунё мамлакатлари ичида ўртачадан юқори даромадли давлатлар сафига кириш белгиланган.

Ташкилот савдо айланмаси ҳажми буйича ташкилотга аъзо давлатлар ичида Ўзбекистон 3-ўринда бўлиб, 2021 йилда 44,2 миллиард долларни ташкил этган. 2021 йилги маълумотларга асосан, Қозғоғистон ва Озарбайжон ташкилот савдо айланмасида ижобий салбодга эга бўлган.

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган инфляция даражаси сўнги йилларда ташкилотга аъзо давлатларда анча тебраниб турибди. Жумладан, Туркияда 2018 йилдан буён бу кўрсаткич юқори даражада сақланиб қолмоқда ва 2021 йилда инфляция даражаси 19,6 фоизни ташкил этган. Кейинги йилларда Озарбайжон инфляция даражасига нисбатан мустаҳкам бўлиб, охириги 4 йилликдаги ўртача инфляция кўрсаткичи 3,6 фоизни ташкил этган. Ўзбекистонда 2021 йилда инфляция 10 фоиз бўлган, мамлакатимизда келгуси беш йилликдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар негизинда инфляция даражасини 5 фоизга тушириш мақсад қилинган.

Мамлакатларда келгусида амалга оширилиши белгиланган ислохотларнинг самарали ижроси бевосита уларни молилаштириш манбалари сифатига боғлиқдир. Ушбу манбалар таркибиде давлат қарзи миқдорини тартибга солиш ва ундан оқилонга фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ташкилотга аъзо давлатлар ичида давлат қарзи миқдори буйича Туркия 1-ўринда туради, ушбу мамлакатнинг давлат қарзи 335,9 миллиард долларни ташкил қилгани ҳолда, ЯИМга нисбатан улуши 41,2 фоиздан иборат.



Қирғизистон Ташкилотга аъзо мамлакатлар ичида давлат қарзи миқдори жиҳатидан энг паст кўрсаткичга (5,2 миллиард АҚШ доллари) эга бўлса-да, ушбу миқдор мамлакат ЯИМга нисбатан қарийб 61 фоизни ташкил этади. Ўзбекистоннинг 2021 йил ҳолатида давлат қарзи 25,4 миллиард доллардан иборат бўлиб, бу ЯИМга нисбатан 36,7 фоизга тенг бўлган. Ўзбекистон ташкилотга аъзо давлатлар ичида давлат қарзининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори жиҳатидан энг яхши кўрсаткичга эга бўлиб, бу 727 долларга тенг. Ушбу кўрсаткич Туркияда — 3968, Қозғоғистонда — 2587, Озарбайжонда — 1422 долларни ташкил қилади.

Бугунги кунда ҳар бир давлат дунё ҳамжамиятида ҳамкорлик алоқаларини самарали ривожлантириш буйича ўз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини намоян этишда ҳамда халқаро майдонда белгиланган мезонларга кўра, кўрсаткичларини солиштирма таҳлил қилган ҳолда соҳа, тармоқлар буйича стратегия йўналиш ҳамда мақсадларни белгилашда халқаро рейтинг ва индекслардан унумли фойдаланмоқда.

Хусусан, ТДТ аъзолари ҳисобланган мамлакатлар ҳам ўзлари учун устувор деб билган шу каби халқаро рейтинг ва индексларда фаол иштирок этиб келмоқда. Халқаро рейтинг ва индекслар буйича ҳисоботларга кўра, Қозғоғистон мамлакатлари турили жаҳбалар буйича 12 та йўналишда рақобатбардошлигини баҳолайдиган Глобал рақобатбардошлик индексида дунёда 55-ўринда бўлгани ҳолда, ташкилотга аъзо мамлакатлар ичида энг яхши позицияни қайд этган. Инсон тараққиёти



индексида кўра, Туркия ва Қозғоғистон юқори кўрсаткичларга эга бўлган бўлса, мос равишда ушбу индекс рейтингига 48- ва 56-ўринларда жойлашган. Глобал инновацион индексида Туркия 37-, Ўзбекистон 82-, Қозғоғистон 83-, Озарбайжон 93- ва Қирғизистон 94-ўринларда қайд этилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижаси ўларок, 2018 йилдан бошлаб муҳим халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўз позицияларини тобора мустаҳкамлаб бораётгани шохиди бўлмоқдамиз. Ишонимизки, яқин келажакда Ўзбекистон тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар салоҳияти ва имкониятларига муносиб равишда

Ўзбекистон раҳбарининг кенг қўламли, фаол ва самарали ташки сиёсати қардош мамлакатлар билан муносабатларни мустаҳкамлай олди. Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг таклифи билан 2018 йил 3 сентябрда Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши оптичи саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам илк мартаба иштирок этди. Бу саммитда давлатимиз раҳбари фахрий меҳмон сифатида қатнашган бўлса-да, Ўзбекистоннинг расмий аъзо макomini олиш жараёнига муҳим қадам қўйилди.

Ўзбекистон 2019 йили октябрь ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган саммит доирасида мазкур тузилмага тўлақонли аъзо сифатида кирди. Шу тариқа, мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги кўп томонлама форматларда ўзаро манфаатли шерикчиликни кучайтириш мақсадини яна бир бор амалда исботлади.

Экспертлар фикрича, Ўзбекистоннинг ташкилотга кириши туркий дунё бирлигини мустаҳкамлашда муҳим воқеа бўлди. Мамлакатнинг тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этиши нафақат бутун туркий дунёнинг тўб манфаатларига жавоб беради, балки унинг ўсиб бораётган имкониятлари ва геосийсий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда ташкилот фаолиятига кучли туртки беради, аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва ТДТ кун тартибини диверсификация қилади.

Жумладан, ташкилот томонидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган "Табаррук зиёрат" лойиҳасини амалга ошириш масаласи кенг муҳокама қилинди. Иштирокчилар ушбу лойиҳани кўплаб-қувватлаб, уни амалга ошириш буйича ишчи гуруҳ тузиш ва аъзо мамлакатлардаги зиёратгоҳларнинг туристик харақатини яратишга келишиб олди.

2021 йил июни ойида Қўқон шаҳрида туризм вазирларининг 6-йиғилиши бўлиб ўтди, бундан ташқари, Қўқон шаҳри илк бор "Турк дунёсининг туристик пойтахти", деб эълон қилинди. 2022 йил давомида бу шаҳарнинг туризм салоҳияти ва брендини тарғиб қилиш мақсадида аъзо давлатларда кенг қўламли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг сентябрида Ўзбекистонда илк бор давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Еш тадбиркорлар форуми" ўтказилиб, унда туркий мамлакатлардан 2500 дан ортиқ еш тадбиркор иштирок этди. Форум доирасида ёшлар ва спорт ишлари вазирларининг 5-йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Хива шаҳри "Турк дунёсининг маданий пойтахти" деб эълон қилингани муносабати билан сентябрь ойида Хивада "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" халқаро маданият форуми бўлиб ўтди.

Президентимиз ташаббуси билан ТДТнинг Алишер Навоий номидаги "Турк дунёси бирлигига қўшган ҳиссаси учун" халқаро мукофоти таъсис этилиши ҳам муҳим воқеадир.

Ҳамкорлик камарлари мустаҳкамланмоқда

Туркий тилли давлатларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги уларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ривожига ҳам кўринмоқда. Ўзбекистоннинг саясий-ҳаракатлари билан ТДТ транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Бу йўналиш

Ташкилот томонидан қабул қилинган "Турк дунёсининг нигоҳи — 2040" стратегик ҳужжатига алоҳида ўрин эгаллайди.

Мазкур саясий-ҳаракатлар замирида мамлакатларимиз транспорт алоқаси самарадорлигини ошириш ҳамда уни глобал транспорт коммуникацияларига мустаҳкам боғлаш гоёси ётади. Шу нуқтани назардан, Транскаспий халқаро ўрта йўналиши Шарқ ва Ғарб ўртасидаги энг қисқа, хавфсиз ва рақобатбардош транспорт боғламасига айлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Ташкилотга аъзо давлатларда транспорт ва транзит тартиб-қоидаларини, жумладан, замонавий рақамли воситалардан фойдаланиш орқали энгиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2020 йил ноябрида Халқаро автоташувчилар иттифоқи билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва Қозғоғистон ўртасида "рақамли ТИР" пилот лойиҳаси ишга туширилди. Бундан ташқари, дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистон ва Туркия ўртасида "eРemitt" лойиҳаси тест режимида иш бошлади. Ҳозирда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси билан биргаликда мамлакатларимизда "eСMR" воситасини жорий этиш буйича ишлар олиб боришмоқда.

Нафақат мазкур ташкилот доирасида, балки икки ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақа транспорт коридорларининг самарали ишлаши ва уларнинг глобал транспорт тизимларига улашиши борасидаги ташаббусларини кўришимиз мумкин. Жорий йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасидаги учрашувлар билан бир каторда, "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўлини қуриш буйича келишувга эришилгани нихоятда катта аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ташаббуси билан Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Туркия давлатлари иқтисодий, транспорт ва савдо вазирликлари ўртасида минтақа мамлакатлари компанияларининг Туркия бозорларига чиқиши ва ундан Европа савдо коридорларига интеграциясини яратиш борасида катта режалар муҳокама этилиб, лойиҳалар олиб боришмоқда.

Ушбу тузилманинг барқарорлиги Кавказ ва Марказий Осиёда янги ривожланаётган транспорт ҳамда энергетика йўналиши тармоғи бўйлаб ишончли хавфсизлик ва ҳамкорлик камарларини таъминлайди. Бу аъзо давлатлар ўртасида савдо алоқаларини кенгайтириш учун биргаликдаги саясий-ҳаракатлар билан қулай шарт-шароитлар яратишининга назарда тутиб қолмай, айни пайтда Ташкилотнинг иқтисодий мустақиллиги ва фаровонлигига эришиш, бу йўлдаги барча глобал хуружлар ва таҳдидларга қарши туриш омили ҳамдир.

Қолаверса, бу Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг қандайдир тарзда ҳаддан зиёд геосийсий амбициялар ва яратилаётган трансмиллий лойиҳалар фаолиятида иштирок этаётган бошқа халқаро кучлар босимига қарши туришда кўмак беради.

Ташкилот доирасида бирдамлик янги марраларга етаклайди

Албатта, глобаллашув йўлига қадам қўйган давлатлар ҳамда жаҳоннинг етакчи мамлакатлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш илм-фан, таълим, шаҳарсозлик ва технология ривожига фойдали таъсир

кўрсатиши аниқ. Шунингдек, бу иқлим ўзгариши, атропо-муҳит муаммоларини ҳал этиш ва аъзо давлатларнинг "яшил" иқтисодиётга ўтишида кўмак ҳамдир.

Умуман олганда, минтақавий жараёнларда иштирок этаётган аксарият мамлакатларда минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий манфаатлар муштараклиги мавжуд. Қолаверса, ТДТга аъзо мамлакатлар бир вақтнинг ўзида ЕОИИ ва ШХТга аъзо экани ҳисобга олинса, барча томонлар мунозарали масалаларни мулоқот орқали ҳал этиш имкониятига эгадир.

Ўтган йиллар давомида мазкур тузилма ҳамкорлигини чўқурлаштириш асоси бўлиши институционал механизмларни яратиш билан кўпроқ шуғулланди. Бу ҳамкорликни қандайдир тарзда мувофиқлаштириш ва ривожлантириш учун ички механизмларни тартибга солиш, баъзи институционал элементларни яратишга кўпроқ эътибор қаратилди. Бугунга келиб мазкур ташкилот доирасида кўплаб мулоқот форматлари мавжуд.

Туркия Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари офиси ташаббуси билан 2022 йил июль ойида Истанбул шаҳрида Ташкилотга аъзо мамлакатлар давлат хизматини ташкил этиш идоралари ва давлат хизматчиларини тайёрлаш буйича маъсул олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида нуфузли халқаро форум ташкил этилди. Мазкур форум ТДТ доирасида Инсон ресурслари борасида ўзаро манфаатли мулоқотларга асос солди. Шу билан бира, Ташкилот доирасида давлат хизматчилари салоҳиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг билим ва кўникмаларини ҳамкорлик асосида ошириб бориш буйича дастлабки келишувларга эришилди.

Бугунги кунда ушбу ташкилот иқтисод, таълимни режалаштириш, халқаро алоқалар, умумий тарих ва маданият тадқиқотлари, талабалар алмашинуви ва университетларга трансфер дастурлари, умумий соғлиқни сақлаш ва рақамли инфраструктура тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай дастурларда Ўзбекистон вақиллари фаол иштирок этмоқда.

Айтиш жоизки, аъзо мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва минтақа геосийсатидаги самарадорлигини оширишда ТДТнинг аҳамияти алоҳида. Аъзо давлатлар ўртасидаги баъзи муаммоларни ҳал қилишда, бир-бирининг ички ишларига аралашмасдан, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда, ўзаро хуруматга асосланган муносабатни қабул қилган.

Ўзбекистон учун ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтиришда ТДТ билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, аъзо давлатларнинг етакчи саноат корхоналари, инвестиция компаниялари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлари ўртасидаги кооперацияни кучайтириш, шунингдек, минтақаларо самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги таклиф ва ташаббуслар қаровли кенгайиб бормоқда.

Авалло, иқтисодий ҳамкорлик, транспорт йўлларини яратиш, ушбу мамлакатларда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш учун технологиялар алмашинуви масалаларига кўпроқ эътибор қаратилиши мақсадида муовифик, деб ўйлаймиз, қолаверса, бу аъзо давлатларнинг ҳамкорлик борасидаги манфаатларига мутаносиб.

Мазкур ташкилот доирасида ҳамкорликнинг яна бир муҳим томони тўғрисида тўхталмоқчиман. Бугунги кунда барча туркий давлатлар муштарак тарих, маданият, урф-одатлар ва қадриятлар орқали боғланган. Уларни жиқлаштириб турган бундай омиллар бизнинг ҳуудларимизга, оилаларимизга, урф-одатларимизга ва энг муҳимини, ёшларимиз онг тафаккури ва дунёқарашига ғарб давлатларидан яширин экспансия қилинаётган, бизларга мутлақо ёт бўлган ғоялар, қадриятлар ва маданиятларга қарши ягона куч бўлиб туришга имконият яратяди. Ота-боболаримиздан қолган қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлаш эса улар яратиб кетган тарихий-маданий ва маънавий бойлигимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, ўзаро ҳамкорлик орқали уларни янада ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

ТДТнинг навбатдаги саммити 2022 йил 11 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган. Бу саммит ҳам Туркий дунё тараққиётининг муҳим бир босқичи ва эсда қоларли тадбири бўлиши кутилмоқда. Туркий давлатларнинг сиёсий иродаси, очик ва конструктив сиёсати, давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари туфайли минтақада ўзаро ишонч муҳити юзага келмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли салмоқли бўлиши табиий.

Ишонимизки, Самарқанд руҳи билан суғориладиган мазкур форумда ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги қатор янги, инновацион ва интеграцион ғоялари ва ташаббуслари янграйди ва кўллаб-қувватланади.

## ЯНГИ ТИЗИМ

## САЛОМАТЛИКНИНГ САМАРАЛИ “ҚАЛҚОН”И



## МАМЛАКАТИМИЗДА 1 НОЯБРДАН ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ БОШЛАНАДИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,  
иқтисодий шарҳловчи

## Бошланиши 1-бетда

Бундан икки ой муқаддам унинг дастлабки босқичига киришиб, ташқи қадоқдаги дори-дармон (орфанлар, яъни кам учрайдиган касалликларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлардан ташқари) гуруҳи мажбурий рақамли идентификациядан ўтказилиши бошланган эди. 1 ноябрдан эса рақамлаштиришнинг иккинчи босқичига ўтилиб, бирламчи (ички) қадоқларда ишлаб чиқарилган дори (агар иккиламчи (ташқи) ўрам мавжуд бўлмаса), доривор ангромаҳсулотлар (орфан дори воситалари бундан мустасно) маркировкаланган ҳолда савдога чиқарилади.

Кейинги босқичларда — 2023 йил 1 мартдан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатига кирган дори воситалари, 2025 йил 1 февралдан белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатга киритилган тиббий буюмлар маркировка қилинади. Бунда тиббий буюмлар рўйхати Давлат солиқ қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мақсуд маҳсулотларни рақамли маркировкалаш юзасидан ўтказилган тажриба лойиҳаси натижаларига асосан, тасдиқлангани назарда тутилган.

Янги тизимни жорий этишдан асосий мақсад дори-дармон ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва айланмасини ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштириш ҳамда қонуний айланшини таъминлашдан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан “Asl belgisi” маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими ташкил этилди.

Бу тизим давлат-хусусий шериклик шаклида ишляпти. Хусусий шерик, яъни оператор “CRPT Turon” МЧЖ бўлиб, Давлат солиқ қўмитаси мажбурий маркировкалаш соҳасида ҳуқуқий тартибга солишни амалга оширади. Дата Матрикс — икки ўлчовли штрих-код сифатида товарларнинг ҳақиқийлиги ва сифатини қафолатлаш воситаси ҳисобланади.

— Дори-дармон ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалашга ўтиш пухта ҳозирлик қиришни тақозо этди, — дейди “CRPT Turon” МЧЖ дори воситалари маҳсулотлари гуруҳи менежери Диев Расулв. — Шу мақсадда 2021-2022 йилларда маркировкалаш оператори томонидан 20 дан ортқ маҳаллий фармацевтика корхонаси ва 50 дан зиёд импортёр иштирокида тажриба лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг вакиллари тизимни жорий этиш, маркировкалаш учун керакли жи-

ҳозларни танлаш ва кодларни қўллаш бўйича ўқитилди, амалий семинарлар ўтказилди. Қарорга қўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан дори-дармон учун рақамли маркировка кодлари тажриба лойиҳаси давомида бепул тақдим этилади. Шу асосда тажриба лойиҳаси иштирокчиларига 18,5 миллиондан ортқ бепул код берилди. Жамиятимиз томонидан рақамли маркировкаланган маҳсулотлар бўйича батафсил (номи, ҳажми, ишлаб чиқариш санаси, суратлари) маълумотларни жамлайдиган “Миллий маҳсулотлар каталоги” яратилган. Унда шу пайтга қадар 6000 дан ортқ турдаги дори рўйхатга олинган, улар учун кодлар бюртма қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Дори воситалари ва тиббий буюмларни идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Унга мувофиқ, янги тизим жорий қилинган кундан бошлаб, рўйхатга киритилган дори воситалари ва тиббий буюмларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий рақамли маркировкалаш ишлаб чиқариш (экспорт учун ишлаб чиқариш бундан мустасно) ҳамда улар импорт қилинганда агрегацияланган импорт коди бўйича маълумотлар божхона-юк декларациясида кўрсатилмасдан “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимида расмийлаштириш таққиланади.

Шу билан бирга, тўққиз ой ўтгач, тегишли гуруҳдаги дори ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан кейинги айланма иштирокчиларига тақсимлаш фақат электрон ҳисобварақ-фактураларга маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни киритган ҳамда “Asl belgisi” миллий ахборот тизими (МАТ) га маълумот юборган ҳолда амалга оширилади. Ун икки ой ўтгач, тегишли гуруҳдаги дори ва тиббий буюмларни барча айланма иштирокчилари ўртасида тақсимлаш фақат электрон ҳисобварақ-фактураларга маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни киритган



ҳамда МАТга маълумот юборган ҳолда амалга оширилади.

— Маркировкаланган дори муомаласида иштирок этувчи тадбиркорлик субъектлари зиммасига унга доир маълумотни нафақат ҳисобварақ-фактураларда ва онлайн-НКТ чекларда, балки “Asl belgisi” ахборот тизимида ҳам экс эттириш мажбурияти қўйилган, — дейди Диев Расулв. — Дорихоналар вакиллари кўпинча дорини доналаб реализация қилишни онлайн-НКТ орқали қандай ўтказишни сўрайди. Энг аввало, инobatга олиш лозимки, Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, бирламчи ўрамада дорининг номи, серияси, ярқоқлиги мuddати ва

ишлаб чиқарувчиси кўрсатилган тақдирда уни доналаб сотишга рухсат этилган. Бирламчи ўрама бузилган тақдирда бериш таққиланади.

Мисол учун, дори 10 та блистер жойланган картон ўрамада реализация қилинпти, дейлик. Агар блистерларда дори номи, серияси, ярқоқлиги мuddати ва ишлаб чиқарувчиси тўғрисидаги маълумот бўлмаса (ҳатто уларнинг биттаси), дорихона уни доналаб ёки блистерларда реализация қилиш ҳуқуқига эга эмас. Фақат тўлиқ ўрамада сотиши мумкин.

Блистерларни фақат иккиламчи ўрама бўлмаганда ва фармацевтика агентлиги томонидан блистерларда реализация қилинадиган препарат сифатида рўйхатдан ўтказилган тақдирда реализация қилиш мумкин. Бу ҳолда маркировка бевосита блистерга босилади. Бу дори-дармонни рақамли маркировкалашнинг иккинчи босқичи бўлиб, 2022 йил 1 ноябрдан бундай препаратларни блистерлар билан реализация қилса бўлади.

## РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Рақамли маркировкалаш — бу товар айланмасини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими. Унга доир белгиларнинг қўлланилиши маҳсулот ҳақидаги барча маълумотларни олиш имкониятини беради. Жумладан, ишлаб чиқарувчининг номи, тайёрланган товар ёки сотиладиган жой, сана ва вақт, ярқоқлиги мuddати, стандарт рақами каби маълумотлар махсус код остига жойлаштирилади. Уларнинг барчаси миллий ахборот тизимида сақланади. Бу тизим наинки тадбиркорлар ва давлатга, балки истеъмолчиларга ҳам фойда келтиради.

— Ушбу тизим, аввало, хариддорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган, — дейди “CRPT Turon” МЧЖ маийш техника воситалари гуруҳи менежери Умар Исроилов. — Чунки унинг ёрдамида истеъмолчилар маҳсулот ҳақида барча маълумотларга эга бўлади. Бу хатарли ёки паст сифатли товарни сотиб олиш хавфини камайтиради. Истеъмолчилар мобил йовадан фойдаланган ҳолда маҳсулотнинг аслигини текшириш ва товар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятига эга. Агар сохта маҳсулот аниқланса, қоидабузарлик ҳақида тегишли идорага хабар берилиши мумкин.

Тадбиркорга эса маҳсулотлар ҳаракатини кузатиш ва логистикани тежаш, мавсумийлик, интенсивлик ва сотиш географияси бўйича долзарб статистик маълумотларга асосланиб, таъминот ва омбор захираларини оптималлаштиришга ёрдам беради. Натижада харажатлар камаяди ва меҳнат унумдорлиги ошади.

Давлат даражасида товарларнинг рақамли маркировка “қора” бозорда товар айланмасини қисқартиради, солиқ ва божхона тўловларини оширади, назорат қилишни ташкил этиш учун сарфланадиган харажатларни камайтиради.

## ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИ ЙУЛНИ ТАНЛАДИ

Шу ўринда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникасини экспертиза ва стандартиштириш давлат маркази томонидан 2021 йилда сифатсиз, ярқоқлиги мuddати ўтган контрафакт фармацевтика маҳсулотлари аниқлангани юзасидан эълон қилган расмий маълумотга эътибор қаратас. Унга қўра, ўтган йилги 7490 турдаги 1 578 500 ўрам дори-дармон экспертизадан ўтказилган, шундан 2874 турдаги дори ва тиббиёт буюмининг 779 800 ўрама мувофиқлик сертификати эга эмаслиги, 1618 турдаги дорининг 72 774 ўрама эса амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги аниқланган.

Мутахассислар фикрича, рақамли маркировкалаш тизими бундай камчиликларнинг олдини олишда мустаҳкам “қалқон” вазифасини ўтайди.

— Бу тизимнинг жорий этилиши барча жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга, демак, бозорнинг қалбақлаштирилган, контрафакт ва контрабанда маҳсулотларидан халос бўлишга ҳам ёрдам беради, — дейди “CRPT Turon” МЧЖнинг операция ҳисобига бизнесининг директори Олег Кузьмин. — Қалбаки дори-дармоннинг бозордан сиқиб чиқарилиши туфайли давлат бюджетига солиқ тушуми ортади. Рақобат учун тенг шароит яратилиши ҳисобига бизнеснинг даромади ошади. Масалан, Франция Европанинг дори-дармонларни маркировка қилган биринчи мамлакатига саналади. Ушбу жараён жорий этилганидан бир йил ўтиб, давлат бюджетига даромадлар 1,7 миллиард долларга ошган. Ўз навбатида, бу қўшни мамлакатларда ҳам дори-дармонларни маркировка қилиш учун жиддий тўртки берди.

## “ЯШИЛ МАКОН”

Китоб тумани Қашқадарё воҳасининг энг сўлим ва баҳаво жойларидан. Азалдан бу ҳудудда экилган ҳар бир ниҳол бехато кўкарини натижасида боғдорчилик деҳқончилик яхши ривожланган. Айниқса, бу ерда ўстирилган дарахт кўчатлари бугун нафақат вилоятнинг, балки юртимизнинг турли жойларида экилиб, мева бериб, яшиллик бахш этиб бораётгани эътирофга лойиқ. Лекин ҳар бир ниҳолни парвардилаш учун ҳам ўзига хос маҳорат керак. Бу борада кўчатчиликнинг ҳадисини олган уста-боғбонларнинг ишини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Ғайбулла ака йигирма йилдирки, кўчатчилик билан шугулланади. Дастлаб ҳовлиснинг бир четда икки-уч турдаги мевали дарахт ниҳолларини қадаб, юз-икки юз туп сотишни йўлга қўйганди. Бугун эса у йилга 45 мингта дарахт ва 4 мингта яқин гул кўчати тайёрлаб, бюртмачиларга етказиб бермоқда.

## БОҒБОННИНГ БАХТИ

— Ҳовлимизда айни пайтда уч мингта цитрус мева — лимон, мандарин, апельсин кўчати ўстириляпти, — дейди Ғайбулла Сафаров. — Шунингдек, ҳар хил турдаги гуллар тайёрлаб, савдога чиқарамиз. Оиламиз билан шу иш билан шугулланиб, йилга 130-150 миллион сўм даромад топамиз. Шунинг орқасидан уй-жойлар қурдик, енгил машина олдик. Фарзандларимизни ўқитяптимиз. Ҳалол меҳнат яхши-да. Айниқса, ўз қўлимиз билан пайванд қилиб, парвардилаган ниҳолларимиз кимнингдир рўзгорига барака олиб кирса, шу хонадонга фойдаси тегса, чирой бериб, одамлар ундан баҳра олса, боғбон учун бундан ортқ бахт йўқ.

Боғбон фаолиятини янада кенгайтириш истагида маҳалласи яқинидаги фермер хўжалигидан бир гектар ерни ижарага олди. Бугун жорий мавсумга 30 мингта манзарали дарахт ниҳолни тайёр бўлган. Ҳозирданок бюртмачилар қабул қилаётган Ғайбулла ака бир дам бўлса-да, бекор ўтиришни истамайди. Оиланинг яна тўрт аъзоси ҳам шу ишга жалб этилган. Турмуш ўртоғи Наргиза опа гуллар парвариди билан банд. Ҳовлисида чирой очиб турган турфа гул кўчатларининг сони кўп.

— Мавсумга мослаб гуллар етиштирамиз, — дейди Наргиза опа. — Ҳозир киша мос, совуққа чидамли навлар тайёр. Айни пайтда улгуржи нарҳда шу ернинг ўзида талабдорларга сотишни бошлаб юборганмиз. Кейинроқ баҳорги навларни иссиқхонамизда экамиз.

Китоб давлат ўрмон хўжалиги ҳам бугун дарахт кўчатлари етиштиришда вилоятда етакчилик қилиб келади.

65 минг гектардан ортқ ҳудудга эга бўлган ушбу хўжаликда бугун кўчат етиштириш ҳам кенг йўлга қўйилган. Ҳозир ўрмон хўжалигига тегишли майдонларда жами тўрт ярим миллионга яқин мевали ҳамда манзарали ниҳол экилган. Шундан жорий мавсумда бир миллионга яқини бюртма асосида юртимизнинг турли манзилларига етказиб берилади.



— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этиб келамиз, — дейди Китоб давлат ўрмон хўжалиги директори ўринбосари Сўҳроб Бурхонов. — Турли мавсумга хўжалигимизда 350 мингта яқин дарахт кўчати экилган бўлса, бу йил бир миллион туп чиқармоқчимиз.

Ҳозир икки юз кишилик жамоа кўчатларни сотувага чиқариш билан бирга ўз ҳудудидаги тегишли майдонларга экин ҳам бошлаб юборган. Жумладан, ўтган йилги 68 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказилди. Бу йилги мавсумда янада кўпроқ кўчат экилади.

— Биз рақамли маркировкалаш тизими билан яхши танишмиш, узоқ вақтдан бери шу асосда ишлаб келамиз, — дейди Ўзбекистон ва хориз фармацевтика бозорида ўз нуфузига эга бўлган Ҳиндистоннинг “Serene Healthcare” компанияси раҳбари Сатиш Вижайварги. — Бундан 7 йилча олдин Ҳиндистонда маркировка кодсиз дори-дармонни экспорт қилишни таққилловчи қонун қабул қилинган эди. Шунинг учун менинг ватанимда бирор компания дори-дармонларни маркировкасиз экспорт қилиш ҳуқуқига эга эмас. Лекин Ҳиндистонда маркировкалаш тизими ҳали тўлиқ жорий этилмаган. Маркировкаланган маҳсулотлар мамлакатда сотилади, код сканердан ўтказилади, лекин бирлаштирилмайди. Ҳиндистонда ҳар бир штат индивидуалдир. Ҳар бир шаҳар ёки штат тизимни ўзига хос тарзда амалга оширади. Улар ўзларининг ягона маркасига эга бўлиши керак ва бу босқич эндигина бошланмоқда. Ўзбекистон рақамли маркировкалашнинг тўғри йўлини танлади — “CRPT Turon” МЧЖ ягона оператор тимсолида марказий хаб вазифасини ўтамоқда. Компаниямиз бу борадаги тажриба лойиҳасини муваффақиятли яқунлаган биринчи ишлаб чиқарувчилардан бири бўлди. Ускуна ва тизимлар бизнинг линияларимизда аллақачон ишламоқда. Унинг йўлга қўйилиши ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва дистрибуторнинг ўз фаолияти, экспорти, сотилиши, захиралари ва талабининг реал рақамларини кўриш, таҳлил қилиш имкониятини яратяпти. Бу аслида одамлар саломатлигини сақлашдаги энг самарали тизимлардан бири.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги қарори асосида мамлакатимизда 2021 йилнинг 1 январидан тамаки ва алкоголь маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш бошланган бўлса, 1 апрелдан пиво маҳсулотларининг мажбурий маркировкасига старт берилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги “Маийш техника маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига биноан, уни бошлаш мuddати ва маҳсулотлар тури гуруҳлар бўйича белгиланди, — дейди Олег Кузьмин. — Жумладан, 2022 йил 15 апрелдан бошлаб биринчи гуруҳ маҳсулотлари — чанглюткич, кир ювиш машинаси, советкич ва музлаткич, телевизор ва монитор, 2022 йил 1 августдан иккинчи гуруҳ маҳсулотлари — маийш газ плитаси, ошхона дудборун, духовка ва печка, микротўқилкич, дазмон, сув иситкичлар маркировкалашга ўтказилди. Учинчи гуруҳга кирувчи сув иситиш қозонлари, кондиционер, ўрнатилган электр моторли маийш техника (сок чиққизгич, блендр, миксер, кофе янгиич, гўшт майдалагич), барча турдаги лампалар 2022 йил 1 ноябрдан рақамлаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Демак, мамлакатимизда маркировкалаш тизимини йўлга қўйишда, биринчи навбатда, акцизли товарлар ва ҳаётимиз учун муҳим бўлган маҳсулот ҳамда дори-дармонга эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу бежиз эмас. Чунки бу борада амалга ошириляётган ишлар “Инсон қадрини ўнатиш” тамойилига тўла мос келади. Унинг ижросидан харидор ҳам, тадбиркор ҳам, давлат ҳам манфаат қўради.

— Туманимизда кўчатчилик яхши йўлга қўйилган, — дейди Китоб тумани экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Санжар Бойназаров. — Мазкур соҳада ўттизга яқин фермер хўжалиги, Китоб давлат ҳамда Жовуз ўрмон хўжалиқлари ва ўндан ортқ қўлави тадбиркор иш олиб боради. Бу орқали юртимизни яшил маконга айлантириш учун муносиб ҳисса қўшяпти. Давлатимиз раҳбари 20 октябрдан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси давом эттирилишини билдирди. Бу эса яна икки юз миллион туп дарахт кўчати ўтказилиб, юртимиз янада яшилликка бурканади, деганидир.

Бу лойиҳада барчамиз бирдек иштирок этиб, ҳар биримиз бир донадан бўлса-да, ниҳол экмас, нафақат табиатни, балки ўз саломатлигимизни, қолаверса, келажак авлодлар соғлиғини сақлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Қашқадарё вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мутасаддилари берган маълумотларга қўра, октябр ойининг 20-санасидан бошланган “Яшил макон” умуммиллий акциясида барча ташилот ва фуқаролар яқдиллик билан иштирок этмоқда. Демак, лойиҳа воҳада кенг миқёсда қўл очиб, юртимиз янада яшилликка бурканади.

Акбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

ДУНЁ АСТРОНОМИЯ ХАРИТАСИДА ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР



Бобомурод АХМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор

2020 йилга келиб, фаннинг глобаллашуви кўрсаткичи жуда ҳам юқорилаётган кетди. Бу шуни аниқлатадики, ҳозирги замон олимлари дунёнинг қайси нуқтаида бўлмасин, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Бунга мисол қилиб, фан энг жадал ривожланаётган Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Хитой, Япония каби давлатларни келтириш мумкин. Шу боис, фанда юксак марраларга эришиш учун улар билан ҳамкорликда ишлаш зарурати мавжуд.

Астрофизика соҳасида Германия, умуман, Европа мамлакатлари олимлари билан охириги 20 йилда фаол ҳамкорлик қилиб келямиз. Улар орасида Франкфурт шаҳридаги Гёте университетини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу университет олимлари билан бирга охириги 7-8 йилда дунёнинг энг нуфузли журналларида кўплаб илмий мақола-лар чоп этишга эришдик. Утган йили Франкфурт шаҳрида Гёте университетининг 100 йиллик юбилеи бўлиб ўтди. Унда меҳмон сифатида иштирок этдик. Шунда сўзга чиққан таниқли олимлар "Университетимиз 1914 йили ташкил этилганига қарамай, Германиядаги энг ёш олий таълим муассасаларидан бири", деб айтди. Бу гапни эшитиб, жуда хафа бўлган эдим. Чунки Ўзбекистон илм-фани дунё миқёсида энг қадимий ва бой тарихга эга бўлишига қарамай, юртимизда Германиядаги шу университет билан тенгдош олий ўқув юрти йўқ эди. Бугун ўтмишдаги мана шу хатолар бартараф этилмоқда. Айниқса, охириги 5-6 йилда мамлакатимизда, хусусан, таълим ва илмий соҳаларда жуда катта ўзгаришларга гувоҳ бўлдик. Хусусан, Учинчи Ренессанс пойдевори ни барпо этишга киришилгани тарихий маънавийни тиклаш йўлидаги салмоқли қадамдир.

Аллома бобомизнинг кашфиёти

Биринчи Ренессанс даврида Ўзбекистон табиий фанлар бешигини барқарорлаштириш сифатида тан олинган. Яқинда Фарбда дунё тараққиётига ҳисса қўшган энг буюк унта го

эйтироф этилди. Унга кўра, Абу Али ибн Сино бобомиз импульс сақлашни қонуни ва физиканинг асосчи сифатида қайд этилган. Демак, ҳар бир космик кеманинг фазога учуши негизда аждодимизнинг гоёси ётибди. Таъкид-лаш керакики, телескоп ихтиросига қадар бешта ўта янги юлдуз кузатилган. Улардан бирини 1006 йили Абу Али ибн Сино аниқлаган. Бу юлдуз алломанинг номи билан аталган. Шу маънода, янгиланаётган Ўзбекистон билан ҳамнафас тарзда 2016 йилдан бошлаб дунё астрономиясида ҳам

ҳолда муносиб ҳиссамизни қўшиқ ва дунё астрономия харитасида ўз ўрнини эгалладик.

Эътибор ва рағбатдан куч олган илм

Президентимиз илм-фанни ривожлантиришга, наҳот илмда эканига кўп бор эътибор қаратади. Шунинг учун илм-фани молиялаштириш тартиби тубдан ўзгарди. Масалан, базавий молиялаштириш натижасида ойлик маош-

Ёш олимлар фаннинг локомотивидир

Бугун гуруҳимизда асосий илмий тадқиқотлар ёшлар томонидан олиб борилмоқда. Фан докторлари қатлами анча ёшарди ва улар ҳақиқий фан олимларига айланмоқда. Масалан, гуруҳимизда Аҳмаджон Абдуҷабборов 31 ёшда, Арман Турсунов 29 ёшда, Аскар Абдиқамолов 28 ёшда, Бахтиёр Нарзилов эса 27 ёшда фан доктори, Бобир Тожматов 33 ёшда физика-математика

кетганки, ундан фойдаланиш тобора кўпайиб бормоқда. Илгари астрономияда телескоплардан олинган маълумотлар жудаям катта ҳажмда сақланар эди. Ҳозир эса оқддийгина телефон орқали уларни бошқаришимиз мумкин.

Илм-фан ҳамкорликка таянади

Айни пайтда фан тубдан ўзгарди. Эътибор қилган бўлсангиз, XX асрда фан индивидуал олимлар томонидан ривожлантирилган. Шредингер, Эйнштейн каби олимлар яққа ҳолда ишлаган. Ҳозир эса битта қора туйнукнинг суратини олиш учун ўн минглаб олим ишламоқда. Чунки фан жамоавий бўлиб қолди. Бежиз бу мисолни келтирмадик. 1420 йилда Самарқандда мутафаккир олим Мирзо Улуғбек бошчилигида илк бор талабаларга илм бериш ва илмий ишлар олиб бориш учун етакчи олимлар жамоаси ташкил этилган. Улуғбек кўплаб олимни "Зиқи жадиди Қурагоний"ни тузиш учун жамлаган. Бунинг натижасида эса жаҳон дурдоналаридан бири бўлган "Зиқи жадиди Қурагоний" илм-фаннинг юзи бўлиб қолди.

Ҳозир ҳамкорликда ишламасак, бизни ҳеч қим эътироф этмайди. Бошқалар таниши, тан олиши учун ҳам хорижлик нуфузли олимлар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш керак. Шу маънода, Астрономия институти назарий ва релятивистик астрофизика йўналишида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида мустақкам халқаро алоқалар ўрнатмоқда. Илмга чанқоқ ёшларни назарий астрофизика соҳасига жалб этиш орқали компакт объектлар атрофидаги астрофизик жараёнларни тадқиқ этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ушбу бўлим асосан 35 ёшгача бўлган ёш олимлар ва тадқиқотчилардан иборат бўлиб, улар халқаро илмий ҳамкорликда фаол иштирок этмоқда.

Ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар қилган ёш олим Фаррух Фаттоев АҚШнинг турли нуфузли университетларида илмий фаолият юритди. У Флорида давлат университетиде фалсафа доктори илмий даражасини қўлга киритганидан сўнг Техас, Индиана штатларидаги давлат университетларида илмий тадқиқотлар олиб борди. Унинг илмий ишлари нейтрон юлдузларнинг ички структурасини тадқиқ этишдан иборат.

Шунингдек, АҚШнинг Калифорния технология институтида ёш олимимиз Эрнест Абдиқамолов компакт объектларнинг ўзаро тўқнашуви натижасида ҳосил бўлувчи гравитацион тўқнашларнинг тўқнаш шакллари олиш бўйича рақамли ҳисоблаш ва уларни таҳлил этишга асосланган илмий тадқиқотлар қилди. Астрономия институтининг ёш олимларидан бири, физика-математика фанлари номзоди Викториа Морозова АҚШнинг Калифорния технология институти, Принстон университети, Германиянинг Макс Планк институти, Бремен университетида умумий нисбийлик назарияси доирасида компакт объектлар атрофидаги электромагнит жараёнлар, пульсар (тез айланувчи магнитланган нейтрон юлдуз)лар магнитосферасидаги энергетик жараёнлар тадқиқоти бўйича ҳамкорликда илмий тадқиқотларни давом эттирмоқда. Германиянинг Бремен ва Олденбург университетлари қора туйнуклар атрофида синув зарраларининг ҳаракати тадқиқоти

бағишланган илмий изланишларда Астрономия институтининг ёш олимлари Валерия Каграманова ва Сардор Тожиев фаол иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, Астрономия институтининг назарий физика лабораторияси Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида жойлашган Астрономия ва астрофизика бўйича университетларро марказ (IUCAA) билан ҳам узқ йиллик алоқаларга эга. Назарий физика бўлимидаги кўпгина ёш олимлар ўзларининг хориждаги илмий ҳамкорлигини ўша ердан бошлаган. Хусусан, 2018 йилда Жаҳон фанлар академиясига каминанинг ҳақиқий аъзо, физика-математика фанлари доктори Аҳмаджон Абдуҷабборовнинг ёшлар секцияси аъзоси этиб сайланишида IUCAAнинг маънавий ва илмий кўллаб-қувватлови муҳим ўрин тутган. Шу ўринда бўлимига доимий равишда моддий кўмак бериб келаётган Италиянинг Триест шаҳридаги Халқаро назарий физика марказини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ёш тадқиқотчиларимиз хорижда ҳам тан олинган

Астрономия институтининг назарий астрофизика бўлими Чехиянинг Опава шаҳридаги Силезия университети билан ҳам мустақкам илмий алоқалар ўрнатган. Институтиимизнинг икки ёш олим ушбу университетга мақсадли докторантурага жўнатилди. 2018 йилда иккиси ҳам фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Уларнинг дипломи Олий аттестация комиссияси томонидан нострификация ҳам қилинди.

Хитойнинг Шанхай шаҳридаги Фу-дан университети дунё университети-лари халқаро рейтингда 32-погонани эгаллайди. Астрономия институтининг бир гуруҳ олимлари ушбу университет билан ҳамкорлик қилаётганини ҳам айтиш жоиз. Хусусан, физика-математика фанлари доктори Аҳмаджон Абдуҷабборов Фудан университети профессори Косимо Бамби ва унинг илмий гуруҳи билан сўнгги икки йилда доимий илмий ҳамкорлик қилмоқда. Астрономия институтининг икки нафар ёш тадқиқотчиси Фудан университети-га мақсадли докторантурага жўнатилди. Улар у ерда рентген манбалардан олинган маълумотларни қайта ишлаш ва гравитация назарияларини текшириш мақсадида турли моделларни яратиш бўйича илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Шунингдек, у ерда ёш олимларимиз мўқобил гравитация назарияларини текшириш, улардаги параметрларга турли чегаравий қийматлар олиш бўйича ҳам илмий изланишлар қилляпти. Астрономия институтининг назарий астрофизика бўлими маҳаллий лойиҳалардан ташқари халқаро лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, институт ёш олимлари Германиянинг DAAD, Volkswagen Stiftung, DFG, Италиядаги ICTP, ICRA, TWAS, CNR, INFN, Европанинг ERC, Erasmus+ жамғармаларининг турли грант ва мукофотларини қўлга киритган.

Ўзбекистонда илм-фанга, хусусан, ёшларга қаратилаётган эътибор давлат сисёти даражасига кўтарилгани барча йигит-қизлар қатори Астрономия институтининг ёш олимлари учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Тарихан астрономиянинг юраги бўлган Ўзбекистон заминида замонавий астрономия ва астрофизика фанининг ривожланишида ёшларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Орттирилган янги билимлар, олинган илмий натижалар, эришилган ютуқлар, забт этилган марралар Астрономия институти ёшларининг астрономия ва астрофизика фанини ривожлантиришда қилиниши керак бўлган ва режалаштираётган улкан ишларининг бир қисmidир. Умид қиламизки, ёш олимлар ва мутахассислар ушбу соҳада янгидан-янги илмий натижаларга эришиб, Мирзо Улуғбек, Абу Али ибн Сино каби боболаримиз изидан бориб, Ўзбекистон номини дунёга танитишда давом этади.

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ

РИВОЖЛАНИШНИНГ МУСТАҚКАМ ТАМАЛИ

сифатли таълимга ҳақли равишда шундай баҳо бериш мумкин

Абдуғаффор Жўраев, Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ректори вазифасини бажарувчи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тараққий этган давлатлар эришган ривожланишнинг сир-синаоти бевосита ўша мамлакатларнинг йиллар давомида таълимга киритган миллиардлаб сармоиси ва катта эътибори билан боғлиқ. Бунга асарият иқтисодий таълим топган давлатларнинг мактабгача таълимидан олий таълимгача юқори рейтингларда туришида ҳам кўриш мумкин. Бугун жаҳон бозорига тақлиф қилинаётган юқори технологияли махсулотлар ҳажмида ҳам ушбу давлатларнинг улуши юқори ва бунда илгор илмий-инновацион лойиҳалар, салоҳиятли олимларнинг хизмати катта.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал, молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фани мунтазам ислоҳ қилиб бориш муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланди. Замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малака-

ли кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Жумладан, олий таълим тизимида қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар асосида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, профессор-ўқитув-



чилар ва талабалар мавсумий меҳнат ва жамоат ишларидан бутунлай озод этилди. Соҳа ходимларининг иш ҳақи бир неча марта оширилди, уларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш механизмлари кучайтирилди. Бу, ўз навбатида, таълим сифати ва натижадорлигига ижобий таъсир кўрсата бошлади. Энг муҳим омил — битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш дара-

жаси 9 фойздан 35 фойзгача оширилди. Айниқса, хотин-қизларнинг таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бакалаврият йўналишида шартнома асосида таҳсил олаётган талаба қизларга 7 йиллик имтиёбли кредитлар жорий қилингани катта энгилик бўлди. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб магистратура йўналишида таҳсил олаётган талаба аёл-қизларнинг 100 фойз шартнома пули давлат томонидан тўлаб берилмоқда. Бу ўзгаришлар олий таълим соҳасига давлат сисёти даражасида эътибор қаратилаётганидан далолат.

Соҳадаги ислохот ва ўзгаришлар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудуди Сурхондарё вилоятида ҳам жадал давом этмоқда. Бир пайтлар ҳудудда битта олий ўқув юрти бўлар, бошқа ўқув юртларини ташкил этиш масаласи кадрлар муаммоси ва моддий-техник база етишмаслиги важдан ортга суриб келинган. Ваҳоланки, вилоят ёшлари орасида ўқишга талаб юқори, абитуриентларнинг ўқишга ҳужжат топшириш кўрсаткичи бўйича мамлакатда доим биринчи ўринда эди.

Вилоятда муҳим соҳаларда кадрлар танқислиги доим юқори бўлган.

Айниқса, соғлиқни сақлаш, кишлоқ хўжалиги ҳамда ахборот технологиялари соҳаларида кадрлар танқислиги яққол сезиларди. Охириги беш йилда яна олти олий ўқув юрти ташкил этилди. Илгари вилоятдаги ягона олий ўқув юртида 5-7 миң атрофида талаба ўқиган бўлса, ҳозир уларнинг сони 40 миңдан ошди. Эътиборлиси, бугунги кунда янги ташкил этилган олий ўқув юртларида таълим жараёни замон талаблари даражасида, кредит-модуль тизими асосида ташкил этилмоқда. Таъриба-ли устозлар кўмагида ёш мутахассислар илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Соҳага илмий-инновацион лойиҳалар, ишланмалар кенг татбиқ этилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг ўтган йили 28 октябрдаги қарори асосида ташкил этилган Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида бугун 3500 нафарга яқин талаба таҳсил олмоқда. Маассасада ўқитувчилар ва талабалар учун барча шароит яратилган.

Жумладан, 420 ўринли замонавий талабалар ётоқхонаси мавжуд. Узоқ жойлардан келган барча талабалар

ҳамда ногиронлиги бўлган 30 га яқин йигит-қиз турар жойга жойлаштирилди.

Талабаларнинг малакаси ва сифатли таълим олишига алоҳида эътибор қаратилган. Машғулотлар таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан доимий мониторинг қилиб борилади. Хусусан, талабалардан олинган сўровномалар асосида педагог-ҳодимнинг фаолияти таҳлил қилинади. Ҳар бир ўқув машғулот хонаси овозли видеокузатув камералари билан жиҳозланган. Бу ҳам машғулотнинг шаффоф ҳагда сифатли бўлишини таъминлайди.

Институтида таълим жараёнини бошқариш НЕМИС ОТМ ахборот тизими асосида узлуксиз 24/7 режимида ташкил этилиб, барча профессор-ўқитувчилар тизимга киритилган. Профессор-ўқитувчиларга тизимни амалиётда қўллаш бўйича тушунчалар берилиб, тизим бўйича тушунмовчиликлар қузатилганда доимий равишда дастурий-техник ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Энди ташкил этилганига қарамай, институт хорижий илгор олий таълим муассасалари билан ҳам фаол алоқалар ўрнатиб улгурди. Хусусан, Германия, Туркия, Россия, Хорватия, Малайзия ҳамда Беларусь давлатларининг ОТМлари билан ҳамкорлик шартномалари доирасида профессор-ўқитувчилар алмашинуви йўлга қўйилган. Шу қунларда институтининг бир гуруҳ иқтидорли талабалари Германияда Praktikum 4 people, JD EAST, LOGO, World Internship, PRAX дастурлари асосида ўқув-амалиёт курсини ўтамоқда.

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ҲАМКОРЛИГИ: ЎТМИШГА НАЗАР



**Азер АДИГЕЗАЛОВ,**  
Марказий Осиё халқаро институти  
етакчи илмий ходими

Инсоният тарихида Европа ва Осиё тамаддуни ўртасидаги тарихий, маданий-гуманитар, савдо-иқтисодий ва этносиёсий ҳамкорликка оид мисоллар жуда кўп. Қадим замонларда ва ўрта асрларда Атлантика океанидан Тинч океани қирғоқларигача чўзилган, бутун Осиё қитъасини кесиб ўтган ва Ўрта ер денгизи бўйларидagi мамлакатларни Узоқ Шарқ билан боғлаган Буюк ипак йўли бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу шунчаки йўл ёки океанлар оралигидаги йўллар йиғиндиси бўлмай, Ғарб ва Шарқ

ўртасидаги турли халқларнинг тинчлик ва ҳамкорликка бўлган интилишига, ғоялар, технологиялар, хунарлар ва эътиқодлар алмашинувидаги хизмат қилган ўта мураккаб маданий-иқтисодий тизим эди.

Карвон йўллари, айниқса, Марказий Осиёни ўрғимчак тўридай қоплаб олган. Ушбу минтақадан Хитойни Рим империяси ва Европа давлатлари, Кичик Осиё ва Форс билан боғлаган ўнлаб савдо йўллари ўтган.

Бу ерда жуда муҳим этник жараёнлар, фаол маданий алоқалар кечган, йирик савдо муносабатлари амалга оширилган, дипломатик битимлар, ҳарбий иттифоқлар тузилган. Қайд этиши жоиз, ўша даврларда бутун Ипак йўли бўйлаб сўғдлар ҳал қилувчи бўлин ҳисобланган. Уларнинг тили VIII асргача "lingua for trassa", яъни "савдо тили" сифатида хизмат қилган.

Турли маданиятлар бирлашувининг яна бир босқичи сифатида Александр Македонскийнинг юришлари билан боғлиқ эллинизм даврини эътироф этиш мумкин. Бу даврда қадим юнон маданияти тарқалиб, Шарқ, биринчи навбат-

Темур вафот этиши туфайли бошланган ишлар охирига етказилмай қолди.

Ўша даврда Амир Темур ва унинг ўғли Мироншоҳ Англия билан ҳам дипломатик ёзишмалар олиб борган. Англия қироли (1399-1413 йиллар) Генрих IV нинг лотин тилида ёзган, Темур ва Мироншоҳга юборилган иккита хати сақланган. Бу икки қудратли ҳукмдор ўртасида ҳам юқорида тилга олинган Султония архиепископи Иоанн воситачилик қилган.

Генрих IV ўз мурожаатида католикларга нисбатан узгармас дўстона ва эзгу муносабати, "христиан савдогарлар хавфсизлигини таъминлагани" учун Мироншоҳга миннатдорлик билдирган.

Англия қироли хатида "улуғ ҳукмдор бундан кейин ҳам католикларга панох бўлишда давом этиши, бу йўлдан қайтмаслиги"га ишонч билдирган.



элчихона таъсис этишга ундайди. Ушбу дипломатик мақсамага Руи Гонсалес де Клавихо раҳбар этиб тайинланади. 1404 йил 8 сентябрь кунин Самарқандга етиб келган Испания элчихонаси ходимларини Темур саройининг "Дилқушо" боғида қабул қилади. Клавихонинг "Кундалиги" Амир Темурнинг 1370-1404 йиллар мобайнидаги ташқи сиёсатини ўрганишда жуда қимматли манба ҳисобланади.

Афсуски, Амир Темур вафотидан сўнг Сохибқирон томонидан асос солинган Ғарбий Европа билан савдо-дипломатик алоқалар давлатлараро кўламда, талаб даражасида ривожланишдан тўхтади. Шундай бўлса-да, савдо-сотик, илм-фан, тадқиқот ва бошқа қатор йўналишларда муносабатлар давом этиди.

риш имкониятларини қидириш ва контрагентлардан қарзларни қайтаришдан иборат бўлган. Бу икки шахс Хивага эсон-омон етиб олади, муайян сабабларга кўра, Бухорога фақат Георг Томпсон борган.

1831-1833 йилларда диёримизга Англия Қироллик жамияти аъзоси Александр Борис ташриф буорган. У ўз эсдаликларига Бухоро хонлиги ҳақидаги фикрларини ёзиб қолдирган.

1721 йилда келиб чиқиши италиялик Флоридо Беневени Россиядан Бухорога келган. Бухоро хонлиги ҳудудидида бу сайёҳ 5 йил яшаган ва "Элчи Флоридо Беневенининг қисқа журнали" номили ўзига хос кундалик тузган. Мазкур тўпلامда хонлиқнинг ички ҳолати, қоидалари, халқаро муносабатлари кетма-кетликда

дастгоҳига эга қоғоз-тўқимачилик фабрикаси очган. Бу корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар — турфа хил рангли, безакли матолар фуқаролар эҳтиёжини қоплаган, ҳарбий округларга берилган.

Умуман, европаликларнинг Марказий Осиёга амалга оширган илмий-тадқиқот, маданий-гуманитар миссиялари мутахассисларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу борада Арминий Вамберининг 1862-1864 йилларда Венгрия фанлар академияси маблағи ҳисобидан Эрон ва Марказий Осиё бўйлаб, гўёки дарвеш сифатида қилган сафари муҳим илмий аҳамият касб этади.

1863 йил у Тухронда Маккадан Марказий Осиёга қайтаётган зиёратчилар гуруҳига қўшилиб олади ва шу тариқа Хива, Бухоро, Самарқанд ва Ҳиротда бўлади. Шарқшунос олим, тил ўрганиш бўйича фавқулодда қобилият эгаси бўлган Вамбери мазкур ҳудудларга мансуб ижтимоий, сиёсий муносабатларни, маҳаллий аҳолининг хулқ-ахлоқи, урф-одатини кузатади, география ва статистика билан қизиқади, Марказий Осиё тарихига оид ёзма манбаларни тўплайди.

Ушбу олимнинг меҳнатлари Бухоро хонлиги (амирлиги)ни ёритиш бўйича манбаларнинг Европадаги илк муқобиллидир. Вамбери битикларида ушбу хонлиқнинг бой тарихи, маданиятининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, бутун бошли ҳукмдорлар авлодлари, сулолалар ҳақидаги қимматли маълумотлар илмий доиралар захирасига киритилган. Тадқиқотчи ўз ишларини икки йирик даврга бўлади: қадимий — Транскасония тарихи ва янги — Бухоро хонлиги тарихи.

Французларнинг Марказий Осиё тарихий ва маданий меросига нисбатан илмий қизиқишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсада мувофиқ. Масалан, бир қатор олимлар ўз тақдирини узоқ муддатга Туркистон ўлкаси билан боғлаган. Улар орасида геолог Барбат де Марни, олим ва педагог, Туркистон ҳаваскор археологлар тўғраги ҳамда Рус Императори география жамиятининг Туркистон бўлими аъзоси Жозеф-Антуан Кастанье, архитектор, Тошкентдаги Спас-Преображенск собори, Буюк князь Николай Константинович Романов саройи ва шу сингари Туркистондаги бошқа бир қатор ноёб иншоотлар лойиҳалари муаллифи Алексей Бенуа, рассом Альберт Бенуа шулар жумласидан.

Хива хонлигида XIX аср охирида вужудга келган "немис оролчаси"нинг пайдо бўлиш тарихи ҳам жуда қизиқ ва аҳамиятли. Немис-меннонитларнинг Қрим ва Волга бўйидаги бизнинг худудга кўчиши Туркистон ўлкаси генерал-губернатори Константин фон-Кауфманнинг 1880 йил қўзғатиш шайхсий тақлифи сабабли рўй берган.

Меннонитларнинг 420 кишидан иборат 71 оиласи учун Туркистон янги макон бўлиши лозим эди, бироқ 1882 йилда Кауфман тўсатдан вафот этиши уларнинг тақдирини ўзгартириб юборди.

Натижада сектантларнинг бир қисми Туркистонда қолишни ихтиёр этди. 30 дан зиёд анчайин ўзига тўқ хонадондан иборат бошқа қисми эса Хива хони Саид-Мухаммад Раҳимхондан бошлана сўрайди. Шундай қилиб, 1881-1883 йилларда Жанубий Хоразмда 30 хонадон — 200 кишидан иборат дастлабки немис-меннонит этноконфессионал гуруҳи аъзолари пайдо бўлади.

“

ЎША ДАВРДА АМИР  
ТЕМУР ВА УНИНГ  
ЎҒЛИ МИРОНШОҲ  
АНГЛИЯ БИЛАН  
ҲАМ ДИПЛОМАТИК  
ЁЗИШМАЛАР ОЛИБ  
БОРГАН. АНГЛИЯ  
ҚИРОЛИ (1399-1413  
ЙИЛЛАР) ГЕНРИХ  
IV НИНГ ЛОТИН  
ТИЛИДА ЁЗГАН, ТЕМУР  
ВА МИРОНШОҲГА  
ЮБОРИЛГАН ИККИТА  
ХАТИ САҚЛАНГАН.  
БУ ИККИ ҚУДРАТЛИ  
ҲУКМДОР ЎРТАСИДА  
ҲАМ ЮҚОРИДА ТИЛГА  
ОЛИНГАН СУЛТОНИЯ  
АРХИЕПИСКОПИ ИОАНН  
ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛГАН.

Кейинчалик меннонитларга Хивада 15 километр шарқда жойлашган Оқ мачит қишлоғидан 50 гектар ер ажратилади, колония тарихий аста-секин кенгайиб боради ва 1904 йилга келиб 62 хўжаликка етади. Бу вақтда кўчманчи аҳолининг ўз мактаби ва қабристонини ҳам бор эди.

Немис-меннонитлар Хива хонлиги маданий ҳаётида фаол иштирок этган. XX аср бошида Хива хони Исфандиёрхоннинг буйруғи билан маҳаллий дуррадорлар, Москвадан тақлиф этилган архитектор Александр Ропп (Александр Вольдемар) билан бирга, Оқмачит устаслари иштирокида меннонитлар Нуруллоб сарой мажмуаси (1906-1912 йиллар)ни барпо этади. Бино Исфандиёрхоннинг расмий қабуллари учун мўлжалланган Европа услубидаги ҳашаматли, 7 хонадан иборат лабиринт-симон айвон шаклини олади.

Тадқиқотчилар фикрича, мазкур иншоотнинг интерьерининг декоратив жойлашуви қадимий Хоразм ва Европа услуби уйғунлашуви, шу билан бирга, XVII-XVIII асрларга мансуб Ғарбий Европа санъати намунаси — "ампир" деб номланган алдамчи мумтоз услуб қоршамасини ўзида акс эттирган.

Александр Ропп раҳбарлигида немис-меннонитлар иштирокида Хивада Европа намунаси асосида яна икки бино қад кўтарган: почта (1910 йил) ва шифохона (1911-1913 йиллар).

Биринчи ўзбек фотографи ва миллий кино асосчиси Худойберган Девонова қасб сирларини айнан немис-меннонитлар вакили Вильгельм Пеннер ўрнатган.

Шундай қилиб, тарихга ушбу қисқача назаримиздан ҳосил бўлган хулосалар ҳам Марказий Осиё ва Европа халқлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихи ўзининг теран илдизларига эга эканини яққол исботлай олади. Бинобарин, айна муносабатлар маданий-гуманитар йўналишлардан тортиб, савдо-иқтисодий ва сиёсий соҳаларгача кенг қамровга эга.

Бу тарихий ришталар, шубҳасиз, ўз мантиқий давомини намоен этади, шунингдек, Марказий Осиё ва Европа давлатлари ўртасида конструктив ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг қўшимча табиий омили бўлиб хизмат қилади.

“

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЕВРОПА ҲАМКОРЛИГИНИНГ  
ЭНГ ЁРҚИН БОСҚИЧИ АМИР ТЕМУР НОМИ БИЛАН  
ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ, БУЮК СОХИБҚИРОН  
ДАВЛАТИ КЎПЛАБ ЕВРОПА ҲУКМДОРЛАРИНИНГ  
НИГОҲИНИ ЎЗИГА ҚАРАТГАН ВА БУТУН ДУНЁДА  
КЕЧАЁТГАН ВОҚЕАЛАРГА СЕЗИЛАРИ ТАЪСИР  
ЎТКАЗГАН. ЕВРОПА МОНАРХЛАРИ ВА ЕТАКЧИЛАРИ  
УЛКАН ИМПЕРИЯ ЯРАТГАН ҲУКМДОР БИЛАН  
ДИПЛОМАТИК АЛОҚА БОҒЛАШГА, ЁЗИШМАЛАР  
ОЛИБ БОРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛГАН.

1558-1560 йилларда Самарқанд, Бухоро ва Хоразмга сафар қилган москвалик дипломат Антоний Женкинсон томонидан ўша даврларда Марказий Осиёга келган англияликлар ҳақида анчайин батафсил маълумотлар ёзиб қолдирилган. Унинг саёҳатидан қўзланган асосий мақсад Ҳиндистонга айна

қайд этилган, сув ва қуруқликдаги йўллар, хонлиқнинг табиий бойликлари, хонлар ва уларнинг яқинлари, атрофидаги шахслар, шунингдек, ховлилардаги урф-одатлар, одоб-ахлоқ қоидалари ҳақидаги маълумотлар акс этган.

1888 йили Алоизи деган тадбиркор Марказий Осиёга француз-корсика



да, Марказий Осиё ва Форс мероси билан уйғунлашган.

Марказий Осиё ва Европа ҳамкорлигининг энг ёрқин босқичи Амир Темур номи билан чамбарчас боғлиқ. Буюк Сохибқирон давлати кўплаб Европа ҳукмдорларининг нигоҳини ўзига қаратган ва бутун дунёда кечаётган воқеаларга сезиларли таъсир ўтказган. Европа монархлари ва етакчилари улкан империя яратган ҳукмдор билан дипломатик алоқа боғлашга, ёзишмалар олиб боришга ҳаракат қилган.

Шундай ёзишмаларнинг айримлари, масалан, Амир Темурнинг Франция Қироли Карл VI (1380-1422 йиллар)га йўллаган икки мактуби сақланиб қолган. 1402 йил август ойида Европага жўнатилган бу хатлар Султония католик архиепископи Иоанн III томонидан манзилга етказилган. Ушбу номларда Амир Темур Франция билан мунтазам савдо алоқаларини йўлга қўйиш истагини билдирган.

Карл VI Амир Темурга битган жавоб мактубларидан фақат биттаси, 1403 йил 15 июнь санасида юборилгани бизнинг давримизгача етиб келган. Мактубда Франция ва Амир Темур давлати ўртасида савдо-сотикни ривожлантириш масаласига салмоқли ўрин ажратилган. Карл VI ва Амир Темур ёзишмаларидан кўриниб турибдики, ҳар икки ҳукмдор савдо шартномалари тузишдан манфаатдор бўлган. Бироқ 1405 йил февралда Амир

Темур билан замондош бўлган Европа ҳукмдорлари орасида, айниқса, Кастилия ва Леоннинг ёш қироли Генрих III де Трастамара Шарққа алоҳида қизиқиш билдирган. Узининг Кичик Осиёга муваффақиятли юриши давомида Темур жуда кўп элчилар қаторида



кастилияликларни ҳам самимий қабул қилган. Улар ўз юртларига Темурнинг элчиси, Қирол хузурида унга ўз ҳукмдорининг мактубини етказган Мухаммад Қозий билан бирга қайтган.

Темурнинг дўстона муносабати Генрих III томонидан жавоб тариқасида "икки давлат ўртасида пайдо бўлган дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида"

бизнинг минтақамиздаги хонлиқлар орқали энг яқин ва қулай йўл қидиришдан иборат эди.

1740 йили "Рус компанияси" йўналишида таркибида 2 нафар Англия жосуси — Георг Томпсон ва Регнальд Хог бўлган экспедиция Хива ва Бухорога йўл олади. Уларнинг мақсади савдо алоқалари кўламини кенгайти-

рилласини олиб киради, 1896 йилда эса Қўқонда пилла заводини очади. 1898 йилда Самарқанд ва Бухорода ҳам пилла заводлари фаолият юрита бошлайди, кейинроқ Фарғона водийсида, жумладан, Чустда, Наманганда бирин-кетин кичик ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушади. Французлар Тошкент яқинида 70 та тўқув

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”  
газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.  
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1064.  
80721 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева  
Мусахҳх: Малҳоҳат Мингбоева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй